

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЁШЛАРНИНГ ИЛМИЙ ВА АХЛОҚИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ СТРАТЕГИК ОМИЛИ СИФАТИДА

Одинаев Наим Абдулхафизович

*Тоҷикистон давлатчилик педагогий университети С. Айни номида,
тоҷик халқи тарихи кафедрасини аспиранти
odinaevnaim760@gmail.com*

Аннотация. Мақолада таълим ва тарбиянинг ёшлар шахсиятини шаклланиши ҳамда жамият тараққиётидаги ўрни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Оила, мактаб ва ижтимоий муҳитнинг ахлоқий ҳамда интеллектуал ривожланишига таъсири ёритилган. Замонавий ахборот технологиялари ва ижтимоий жараёнга ижобий ва салбий таъсири очиб берилган. Муаллиф таълим ва тарбиянинг уйғунлиги баркамол шахсни шакллантиришида ҳал қилувчи омил эканини асослайди. Тадқиқот натижалари замонавий педагогик ёндашувларни такомиллаштириши зарурлигини кўрсатади.

Калим сўзлар: тарбия, таълим, ёшлар, ахлоқ, шахс ривож, педагогика, психология.

ОБРАЗОВАНИЕ И ВОСПИТАНИЕ КАК СТРАТЕГИЧЕСКИЙ ФАКТОР НАУЧНОГО И ПРАВСТВЕННОГО РАВИТИЯ МОЛОДЁЖИ

Одинаев Наим Абдулхафизович

*Таджикский государственный педагогический университет имени С. Айни,
соискатель кафедры истории таджикского народа*

Аннотация. В статье научно-теоретически анализируется роль воспитания и образования в формировании личности молодежи и развитии общества. Раскрывается значение семьи, школы и социальной среды в нравственном и интеллектуальном становлении подрастающего поколения.

Показано положительное и отрицательное влияние современных информационных технологий и социальных сетей на воспитательный процесс. Обосновывается, что единство воспитания и образования является решающим фактором формирования гармонично развитой личности. Результаты исследования указывают на необходимость совершенствования современных педагогических подходов.

Ключевые слова. воспитание, образование, молодежь, нравственность, развитие личности, педагогика, психология.

EDUCATION AND UPBRINGING AS A STRATEGIC FACTOR OF THE SCIENTIFIC AND MORAL DEVELOPMENT OF YOUTH

Odinayev Naim Abdulhafizovich

Tajik State Pedagogical University named after S. Ayni,

applicant for the department of the Tajik people

***Annotation.** The article provides a scientific and theoretical analysis of the role of upbringing and education in youth personality formation and social development. The importance of family, school, and social environment in the moral and intellectual growth of young people is highlighted. The positive and negative impacts of modern information technologies and social networks on the educational process are examined. The author substantiates that the unity of upbringing and education is a decisive factor in the formation of a well-rounded personality. The research results indicate the need to improve modern pedagogical approaches.*

***Keywords:** upbringing, education, youth, morality, personality development, pedagogy, psychology.*

Глобаллашув ва рақамли технологиялар жадал ривожланаётган ҳозирги даврда ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий барқарорлигини таъминлаш стратегик аҳамият касб этмоқда. Жамият тараққиёти инсон капиталига, айниқса таълимли

ва тарбияли ёшларга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан таълим ва тарбияни ягона ижтимоий-педагогик жараён сифатида ўрганиш илмий жиҳатдан муҳимдир. Бир жамиятни ривожланиши учун аввало уларнинг тарбиясини мукамал қилиб, кейин талим йўлига бошқариш мумкун. Агар қайси жамиятда тарбия бўлмаса, уларнинг талим бериш учун кўплаб муаммоларга учраш мумкин. Бугунги кунда илму техника ривожланиши сабабли ёшларимиз тарбия ва талимни ота-онасидан олиш ўрнига, ўз атрофларидану ижтимоий тармоқлардан ўрганиб бормоқда. Инсоният ҳаётида жамиятнинг ривожланиши учун аввало ҳар бир инсон ўзининг оиласини тарбиялаш керак. Агар оила ислоҳ бўлса жамият ислоҳ бўлиши жуда осон бўлади. Инсоният ҳаётида биринчи мактаб ва биринчи мурабби бу ота-онадир. Ҳар бир ота-она боласининг жамиятга аралашидан олдин унинг охлоқий жиҳатини тарбиялаб, кейин жамият ичига талим олиш учун юбориши маҳкулрод бўлади. Тажрибага қараганда болаларнинг кучи ўлкан бир жамиятни ўзгартиришга катта кучи бор. Бу куч ота-оналар томонидан қўлланилса, буюк бир мақсадни тўлдирадиган тарбия ва талимни ўз ичига олиб жамиятнинг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Тарбия сўзи араб тилидан олиниб رَب-раб калимасидан олиниб парвариш ва тарбиялаш маноси англатади.[5:427] Бу калимадан малум бўлишича парвариш, тарбиялаш ва уни вояга етказиш яне ота-она фарзандни охлоқини мукамал шиқил маносини англатади. Таълим эса илм яъне арабий عِلْم-аллама калимасидан олиниб, маъноси билиш, фаҳмлош ва огоҳ бўлишдир.[5:832] Бу икки калима яъне тарбия ва таълим ҳар бир боланинг ахлоқий ва илмий жиҳатдан мукамаллаштириш маънода бўлиб, инсоннинг ҳаётини баркамол етказиш деганидир. Айтилган икки калима “Таълим ва тарбия” ва бу борасидаги маълумотларни бир-биридан айриш ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас деб таъкидлашади.[3:3] Яъне таълим билан тарбия икки кўз каби бир-биридан ажралмай инсоннинг ҳаётини йўлида мақсадга эришиш учун катта ютуқдир. Тарбия ва таълим туфайли ҳарбир бола ё инсон тўлиқ ва тусик ривожланади.

Келтирилган жумлада: “Ҳарбир ота-она фарзандига таълим-тарбия, ахлоқ-одоб ва ҳусну-хулқдан кўра фойдалироқ нарса борми? Деганлар. Албатта, ки йўқ,

шунинг учун ҳам доимо фарзанд тарбияси тўғрисидаги кўрсатма ва тавсиялар биринчи ўринда ота-оналарга қаратилган бўлади”.[3:480] Марзкур жумладан маълум бўлишича тарбия ва таълим биринчи ота-онанинг вазифаси бўлиб, кегин мактаб ва жамъият назарга олинади. Ота-она дегани болага раҳбар ва йўл кўрсатувчи, болани ҳаётга тайёрлайдиган деганидир.[1:11] Шу назарияга кўра ҳар бир ота-она ўз фарзандлари тарбияси учун имкониятни қолдан бермай, керакли ишларни фарзанд тарбияси йўлида сарфлаши лозим. Тўғри яшаш ва жамиятни барпо этиш учун ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясига алоҳида қараш шарт ва зарур. Тарбия дегани фақат ёшлар устига зўровонлик ва қўполлик кучини ишлатиш эмас, балки уларга меҳру муҳаббат туйғусини ўйғотиш ва келажак ҳаётга йўлбошчилик қилишдир. Бу тарбияни болага етказиш учун аввал ота-она ўзлари тарбиялаш усулини уҳдасидан чиқиши ва қандай болага кўрсатишни билмоғи айни муддаодир. Бу муаммо тўғрисида шундай келтирилган: “Боланинг дунёсини ҳис қилолмаган ота-она фарзандига яхши тарбия беришни истасалар ҳам, кўп ҳолларда боланинг шахсиятини ва характерини бузаётганларини билмай қолишади”.[1:12] Бу жумладан маълум бўлишича, тарбиянинг нозукларига аҳамият бермаган ота-она фарзандини баъзи бир камчилигини этибордан ажралиб қолган кўринади.

Тарбия ва таълим йўлини педагогика мутахассислари уч қисмга бўлишган. Бу борада шундай келтирилган: “Биринчи босқич қадам чақалоқ туғулганидан бошлаб ота-онасининг олдида тарбия топиши ва оила азолари муҳитида вояга етишидир. Иккинчи босқич қадам таълим олиши ва устозлар олдида илм ўрганиши кўзга кўриниб турибди. Учинчи босқич қадам ривожланиш ва тафаккур ила ўз йўлини мукамал қилиш учун мустақил ҳаётини тузиш ҳисобга олинади”.[4:46] Бошқа назарияга кўра бу уч босқич: “Тарбия ё парвариш қилиш ҳисобга олинган ва у тарбия (воспитание), таълим (образование) ва ташаккул (формирование и развитие) дейилган”.[6:6] Мазкур маълумотлар ҳарбир инсон ва ота-онани биринчи босқичдан тўғри кузатишини, кейин унинг таълим ва ташаккул топишини назоратга олишини таъкидлайди. Агар ҳарбир чақалоқ вояга

етгунгақадар тўлиқ тарбия олса, унинг таълим олиш ва ташаккул топиш учун хавотирга ўрин қолмайди.

Одоб ва ахлоқ тарбия йўлининг биринчи қисмларидан бўлиб, ҳар бир шахсни маданиятини, ички ва ташқий инсонлигини англатади. Бу мафҳум инсони шараф, виждон, инсоф, раҳм, шафқат ва рафтору тафаккурини билдиради. Мазкур сўзлардан маълум бўлишича тарбия йўли болани бу шаклда ривожланиши талаб қилади. Айтишларича “Ахлоқий тарбия одамлар ичидаги муносабат, жамъиятий ва шахсий ҳаётни тартибга солади. Ахлоқ одамларнинг ҳама хулқу одоб муносабатларини ичига олиб ва жамият шуурини шаклларида ҳисобланади”.[4:61] Шахснинг ахлоқий тарбия ўзгарса жамият ўзгаришига сабаб бўлади ва одобу рафторни ахлоқ муайян қилади. Тарбия ва таълимнинг илмий фанлари бугунги кунда “Педагогика” ва “Психология” номини олган. Бу фанга “Педагогика” ном олиниши этиборга қаратилса, бу сўзнинг келиб чиқиши: “Педа” – “Бола” ва “Гожи” – “Билим” маъносини англатади. Яъне педагогика илми бола илми демакдир.[1:14] “Психология” сўзи Юнон калимасидан олиниб “Психе” – “Жон”, “Рух” ва “Логос” – “Илм”, “Таълимот” маъносини беради. Психология илм қонуният, пайдобўлиш, тарақиёт ва психики зухуроти тўғрисидадир.[2:4] Мазкур икки калима яъне “Педагогика” ва “Психология” ҳар бир инсонга “Тарбия” ва “Таълим”-ни чуқур ўрганиш ва ўргатишни таъкидлайди. Ҳаётий психология қадимги одамларнинг психологик тафаккуридан манбаъ олиниб давра-бадавра ташаккул топган ва унинг гуногун инкишофи ҳархил муайян марҳалада илмий тадқиқотлар остида илмий психологияни вужудга келтирган.[2:5] Тарбияву таълим ва Педагогикаву психология ўзгариши инсоният ҳаётида илм тарақиётига қараб шаклини ўзгартирди. Шу сабаб жамият тасаввуроти маданиятнинг юқори мақомига йўл олди.

Бизнинг замонимизда тараққий этган техника ва технология тарбия ва таълим усуллари янгилаш ва замонага мослаштириб, бугунги ёшларга керакли илмларни аниқ ва дақиқ етказишни талаб қилади. Техника ва технология таъсири остида тарбия ва таълим йўллари ижтимоий тармоқлар орқали ривожланган бўлсада, инсоният ҳаётига илмий ва бадеи китобларни ўқиш учун жомеани

кутубхоналар орқали саводсизликни барҳам бериш ҳар бир ота она ва ўқитувчилару олимларимизнинг бурчидир. Болани тарбиялаш, таълим йўлига кузатиш ва мустақил ҳаётга тиклаш худди дарахтни ниҳоллигидан ўстириш, дарахт шаклига киришига қадар атрофини юмшатиш, ҳар замон вақти билан сувбериш ва шохчалври узайганда уни қалта қилиш (қаламча қилиш) билан унинг мева олиш учун тайёрлашдир, бу болани яхши парвариш қилиш, тарбия ва таълим бериш ва бир комил-тўлиқ инсон каби ҳаётга тайёрлашдир. Фарзанд тарбиялаш учун унинг ички сирини назарга олиб бу сирнинг йўқликка юз тутмасидан юзага чиқиши ўша бола омонат қилинган ота-онанинг бу яратилиш сирини ҳурмат билан муносабатда бўлиши орқали амалга ошади.[1:32] Тарбия ва таълим олиш жараёнида боланинг ички сирини назарга олиб, ривожланиши ва буюк инсон бўлиб етиши учун унинг орзуларига тўсиқлик қилмаслигимиз лозим, чунки ҳар бир шахсият ўз орзуларига етиши учун бутун умрини сарфлашга тайёр. Бу дегани боланинг ўз ихтиёрига ташлаб қўйиш дегани эмас, балки унинг хоҳишига қараб йўл тутиб беназорат қўйиш керак эмас. Инсоният ҳаётида илимли киши билан илимсиз кишини фарқияти бор, бу фарқият ҳар бир инсоннинг зоҳири ва ботини мақомини билдиради. Инсоний бу икки сифатини буюк олим Фахруддин Розий шундай келтирган: “Ҳеж бир оқил инсонга яширин эмас, ки илму-билим шарафу комил сифат ва жаҳлу-нодонлик қабеҳу ноқис сифат”. [7:134] Илм инсонинг маънавий ва моддий ҳаётини ўзгаришига фойда бериши назарга олинган, аммо баъзи бир ҳолатда зарарли томони ҳам бор. Тескариси эса, молу мулк илм олиш йўлига сарфланиши мумкин ё ки беҳуда ноўрин йўлга ҳам бориши эҳтимолдан узоқ кўринмайди.

Ва Ф. Розининг ақидасига кўра: “Молу мулк некбахтлик, тараққи топиш ва инсоний обрўга сабаб ва тескари бадбахтлик, азобу машаққат ва инсоний бешарафликка олиб боради. Агар молу мулк тарбия ва таълим олиш йўлига сарфланса бу ютуқ сифатдир”. [7:212 ва 8:111] Бу буюк олим ва мутафаккирнинг сўзлари ҳарбир инсоннинг тарбия ва таълим олиши учун тўғри яшаш, ҳалол молу мулк йиғиш ва уни тўғри йўлга сарфлаши келиб чиқади. Биринчи ўринда ҳар бир ота-она молу мулкларини рўзгорларига харажот қилишларида жидди роқ аҳамият

бериб, фарзандларини тарбия ва таълим йўлига киритиш учун мақсадга лойиқ сарфлашлари назарга олиниши инсоний ҳаётнинг талабидир.

Жамиятни ўзгартириш ва ёшларни тўғри жараёнларга йўналиши учун баъзи бир фикрлар келтирилган: “Тарбия ва таълим йўлининг бошқа жиҳати унинг касбу ҳунар ўрганиши ва ҳалол меҳнат билан жамият ичида ўз мақомини топишидир. Меҳнат қилиш тарбиясидан мақсад болага бошуурога муносабатини меҳнатга ривожланиши, шахсиятнинг ҳаматарафлама тарбиясидир”. [4:65] Бу фикрга янада янги фикрлар киритиш мумкин, яъне ёшларни чалғитаётган бугунги ижтимоий тармоқлар орқали ноаниқ таклифлар ва бемантиқ тижоратлару савдо сотиқлар тез кунда катта дароматга ваъда беришлари кўпчиликка маълум бўлмоқда. Мазкур сўзлардан маълум бўлишича баъзи бир ёшлар таълим олиш йўли ва касбу ҳунар ўрганишни қийинроқ кўриб, осонликча ва тезорада катта-катта ютуқларга эга бўлиш хаёли билан ўз ҳаётларини мураккаб қилиб муаммоларбилан овора. Бундан беҳабар, ки: “Меҳнатий тарбиянинг аҳамияти шунда, ки шахс инсоний яхши сифатни пайдо қилади ва бепарволигу беғамликни ҳис этади”. [4:66] Бунинг шарҳи тарбия ва таълим олиш ва касбу ҳунарни ўрганиш ҳар бир инсонни маърифатини балан қилиб, тўлиқ инсонга айлантиради.

Ҳаммага маълумки, ҳар давру замонда инсониятни тарбия ва таълимга эҳтиёжи бор ва бу эҳтиёж давом бермоқда ва келажагда ҳам давом этаверади, чунки бу эҳтиёж инсониятни ҳаётини олдинга суриш учун, касбу ҳунар, ризқ рўзи, нутқу сўзлашиш, илму маърифат, мураббӣ ва устозга эҳтиёжи бор. Бугунги кунда таълим ва тарбия олиш йўллари кенгайиб, янги усуллар билан режа тузиш ва замонга мувофиқ илму техникани талаб қилади. Бу дегани замонга қараб кўр-кўрона эргашиш эмас, балки йошларни тарбия ва таълим билан тўғри йўлга бошқаришидир. Айтилган сўзлардан янада ёрқинроқ маълумот кўрсатиш учун бугунги тарбия, таълим ва ривожланиш мақсадни ёшларга сайру саёҳат ва дунё кўриш жиҳатни режалаштириб, мафкурасини ўзгартириш лозим. Мазкур масъулият аввало ота-она, оила ва атрофларига боғлиқ бўлиб, кейин боғча-мактабга боргунга қадар, мактаб ва олийгоҳлар ўз ичига олиши аниқ. Чунки шу

жараёнда ҳарбир бола ё ёш киши ўқиш ёзиш ва бошқа воситалар билан жамъиятда ривожланади.

Фароғат ва сайру саёҳат ҳарбир инсонни тарбиявий ва таълимий ривожланишига катта таъсир етказиши кўзга кўриниб, олимлар томонидан баъзи-бир фикрлар шундай айтилган: “Сайру саёҳат ва фароғат инсонларнинг руҳий эҳтиёжларидан бўлиб, ҳаётий жиҳатларига таъсир етказади” [6:361]. Ушбу сўзлардан кўриниб турибди, ки ҳарбир инсон тарбия ва таълим йўлида сайру саёҳат ва фароғат билан кўча атрофда ва бошқа юртларга сафарқилса унинг ривожланиши ва дунёқараши ўзгариб, илмий, маънавий ва руҳий жиҳатлари мукамал бўлишиса сабаб кўпроқ назарга олинган.

Ушбу жиҳатдан бугунги кунда сайру саёҳат ва фароғатни инсон ҳаётида тарбиявий, таълимий ва ривожланиш учун шарт ва зарур деб билдик, чунки бугунги замонага қараганда илм ва технология олдинга юрган сабаб инсоният ривожланиши шунини тақозо қилади, аммо бу йўналишда ҳар бир инсон тарбия ва таълимни назарга олиб бугунги замонага қараб тўғри йўлни маҳкам ушлаб, ўз инсонлигини эсдан чиқармаслиги зарурдир.

Тадқиқот мақсади – таълим ва тарбиянинг ёшлар илмий ва ахлоқий камолотидаги ролини таҳлил қилиш ҳамда замонавий шароитда самарали тарбиявий механизмларни аниқлаш.

Адабиёт таҳлили. Педагогик назарияларида таълим билим бериш жараёни сифатида, тарбия эса шахснинг ахлоқий, ижтимоий ва маданий сифатларини шакллантириш воситаси сифатида талқин этилади. Замонавий тадқиқотларда улар ўзаро боғлиқ тизим сифатида қаралади. Психологик ёндашувлар эса шахс ривожидида ижтимоий муҳит ва оилавий таъсир ҳал қилувчи омил эканини кўрсатади.

Методология. Тадқиқотда қўйидаги усуллар қўлланалди:

- Назарий таҳлил
- Қиёсий таҳлил
- Педагогик манбаларни умумлаштириш
- Ижтимоий омилларни концептуал баҳолаш

Таҳлил ва натижалар. Таҳлил ва натижаларига кўра:

1. Оила – биринчи тарбиявий институт бўлиб, боланинг кадриятлари ва дунёқарашини шакллантиради.
2. Мактаб – билим бериш билан бирга ижтимоийлашув вазифасини бажаради.
3. Ижтимоий тармоқлар – тарбия жараёнига кучли таъсир қилувчи замонавий омил бўлиб, назоратсиз ҳолда ахлоқий муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.
4. Таълим ва тарбия уйғунлиги – шахснинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот шуни кўрсатадики, таълим ва тарбиянинг уйғунлиги барқарор жамият қуришнинг асосий шартидир. Ёшларни тарбиялашда оила-мактаб-жамият ҳамкорлигини кучайтириш, ахборот технологияларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда миллий кадриятларга таянган ҳолда замонавий педагогик ёндашувларни жорий этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адам Гунеш. Шахсият ва характер ривожланишида фарзанд тарбиялаш сири. Таржимон Дилбар Ражабова. – Тошкент: Тасним, 2022. – 224 бет.
2. Давлатов М. Юнусова Н ва Расулов С. Психология дарслик китоб олийгоҳлар учун. – Душанбе “Собириён”, 2010. 336 бет.
3. Исҳоқжон Муҳаммадҷон ўғли. Таълим ва тарбия. – Т.: “Нилol-Nashr”, 2018. – 568 бет.
4. Расулов Т. Ҳоҷиева Ф. Ҳайдарзода Ш ва Насриддинова М. Педагогика. Таълим воситаси. Душанбе “Аржанг”, 2016. 252 бет.
5. Саидрахмон Сулаймонӣ. Фарҳанги арабӣ-тоҷикӣ. – Душанбе: ЭР-граф, 2010. – 1564 бет.
6. Сафар Сулаймони. Педагогикаи фарҳанг. Душанбе “Ирфон”, 2013. 691 бет.
7. Сирожиддин Пиров. Фахруддин Розий ва унинг ахлоқиву тарбиявий андешалари. Душанбе: Аржанг, 2015. – 320 бет.
8. Фахруддин Розий Муҳаммад ибни Умар. Китоб ул-Ахлоқ. – Исломобод, 1968м (1388ҳ.к). 135 бет.